
ҚУВА ТУМАНИДА ЗАМОНАВИЙ БОЛАЛАР ҲАМДА СПОРТ МАЙДОНЧАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Фарғона вилоятида кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларда болалар ва спорт майдончалари ташкил этилмоқда. Бундай масканлар нафақат болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, балки саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни жисмонан чиниқтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қува тумани Ғалаба маҳалла фуқаролар йиғини, Хумо кўчасидаги 54-сонли кўп квартирали уйнинг атроф ҳудуди махсус техникалар ёрдамида ободонлаштирилиб, Давлат дастури асосида болалар майдончаси барпо этилди.

Қулай ҳамда замонавий шароитга эга ушбу ўйингоҳнинг фойдаланишга топширилгани нафақат шу ҳудудда истиқомат қилувчи балки бу ерга келиб ўйнаётган қўшни маҳаллалар болажонларига ҳам олам-олам қувонч бағишламоқда.

Вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ахборот хизмати

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-10 17:22:01